**Inson manfaatlari — oliy qadriyat**

# ADOLAT

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

№ 23 (1489) 2024-YIL 7-IYUN, JUMA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat

## КОНТРАКТМИ ЁКИ ГРАНТ: Янги таълим тизими татбиқ этилади



*Ушбу адолатли таълим тизимининг татбиқ этилиши минглаб ёшларимизга рағбат бўлиб, уларни ўқишга киргандан кейин ҳам соғлом рақобат руҳида ўз устиларида янада кўпроқ изланишга ундайди. Чунки, амалдаги тизимда арзимас бир кичик хатоликни, деб контрактга тушиб қолган абитуриентлар оилавий ва иқтисодий муаммолари сабаб бир йил вақтини йўқотишга ёки бўлмаса, 4 йил қийналиб контракт тўлаб таълим олишга мажбур бўлиб келишаётган эди.*

2



# Ўксик қалбларга қувонч улашилди

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон “Адолат” СДП Сайловолди дастурида белгиланган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, партия томонидан бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сиёсий Кенгаш раиси Робахон Махмудованинг Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни муносабати билан Андижон шаҳридаги вилоят кўп тармоқли болалар шифохонасининг онкология бўлимида даволанаётган бемор болажонлар ҳолидан хабар олиши бу борада яна бир самарали қадам бўлди. Партия етакчиси шифохонада бемор болаларнинг даволаниши учун яратилган шарт-шароит ва имкониятларни ўрганди. Шунингдек, болалар ва уларнинг ота-оналари билан суҳбатлашди, бўлимда ташкил этилган “Меҳр мактаби” фаолияти билан танишди.

2

# “Адолат” ташаббуси:

## ҚЎШТЕПАДА 50 НАФАР БОЛАЖОНГА ХАТНА ТЎЙИ ЎТКАЗИЛДИ

*– Бугун жуда бахтиёрман. Ҳар сафар хайрли мақсадимни ватандошларимизга айтганимда доимо мени қўллаб-кувватлаётганликлари учун ҳам раҳмат,* **– дейди халқ депутатлари Қўштепа туман Кенгаши депутати, “Марғилон саховати” хайрия ҳаракати раҳбари Аъзамжон Аҳмаджонов.** *– “Боламга қандоқ тўй қилиб бераман”, деган ўкинч билан яшаётган оналарнинг, соғлигидаги муаммо туфайли қўли калталик қилаётган оталарнинг бугунги қувончини ҳеч қандай бойликка алишиб бўлмайди. Саховат ва эзгу ниятни дилига туккан инсонлар кўмаги билан ташкил этилган бугунги тўй тантанаси болаларимиз ҳаётида энг унутилмас лаҳзаларга айланишига ишонаман.*




3

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ҲОЗИРЛИК – БУГУНДАН БОШЛАНАДИ



3

## ШАҲАР ТРАНСПОРТИДАН кимлар бепул фойдаланиши мумкин?




*Хусусан, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган, 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақтни иш стажига қўшиб ҳисоблашда даволаш муассасасининг хулосасини чиқариб ташлаш белгиланмоқда. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахс деб топилганларга шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқини бериш таклиф этиляпти.*

2

## ТАБИАТНИ ЙИҒЛАТМАНГ!



5

*... дунё медиа майдони ва ахборот бозорида оммавий маданиятни ёшлар онгига сингдириш учун нима қилиш керак бўлса, шу қилиняпти. Афсуски, бу реклама хизматларини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Чет элда ишлаб чиқарилаётган айрим маҳсулот ва хизмат турларининг юртимизда намойиш этилаётган рекламаларида тутуриқсиз, уят, беҳаё сўзлар, фикрлар берилмоқда.*



# БЕҲАЁ РЕКЛАМАЛАР ЁХУД ЭКРАННИНГ ЭГАСИ ЙЎҚМИ?!

6











# Бор меҳримиз сенга, БОЛАЖОН!

Таҳлилларга қараганда, **бир мамлакат аҳолисининг қонга бўлган талабини қаноатлантириш мақсадида ҳар 1000 кишига донор сони 30 нафарни, қон компонентлари билан таъминлаш учун донорлар сони аҳоли сонига нисбатан ҳар 1000 нафар кишига камида ўнтани ёки аҳоли сонига нисбатан 1 фоизни ташкил этиши керак. Бугунги кунда юртимизда бу кўрсаткич 1000 кишига 5 тани ташкил этмоқда. Агар донорларимиз сони минг кишига 10 нафарга етганида эди, қонга бўлган талаб тўлиқ қаноатлантириларди.**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳар йили 1 июнь – Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни арафасида «Адолат» СДП анъанавий тарзда ташаббус билан чиқиб, жамоатчиликни донорликка чақиради.

Маълумотларга кўра, **ўтган 7 йилдан буён партия ташаббуси билан ўтказиб келинаётган «Бор меҳримиз сенга, болажон!» беғараз донорлик хайрия акцияларида 24 753 нафар фуқароларимиз кўнгилли донор сифатида иштирок этишган. Натижада 8 663 литр ҳаёт томчилари йиғилиб, 42 612 нафар болажонларнинг саломатлигини тиклаш ва ҳаётини сақлаб қолиш учун ишлатилган.**

Жорий йилнинг **31 май куни партия Марказий аппарати ташаббуси билан пойтахтимиздаги Республика қон қуйиш марказида бу йилги мавсумга старт берилди. Шу куннинг ўзида кўплаб давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, ҳарбийларимиз, кўнгилли фуқаролардан иборат 700 нафарга яқин донорлар иштирок этиб, 200 литрдан ортиқ ҳаёт томчилари йиғилди.**

Шунингдек, қон топшириш акцияси барча вилоятларда ҳам ўтказилди.

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Мамлакатимизнинг энг олис ҳудудларидан бирида мазкур акция эрта тонгдан республика қон қуйиш марказига депутатлар, партия фаоллари, олий таълим муассасалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари, ҳарбийлар ва кўнгилли фуқароларнинг оммавий келиши билан бошланди.

Тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож бўлган фуқаролар, айниқса, болажонларни қўллаб-қувватлаш, инсонларни кўнгилли равишда қон топширишга чақириш орқали беморларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини кенг тарғиб қилишга қаратилган тадбирда 250 нафарга яқин инсон бир мақсад йўлида бирлашди ва жами 46,67 литр қон захираси яратилди.

– *«Адолат» социал-демократик партияси ҳар йили анъанага мувофиқ меҳр улашиш мақсадида бемор болажонларимиз учун беғараз донорлик акциясини ташкил этиб келмоқда,* – **дейди республика қон қуйиш маркази донорлар бўлими мудираси Жадира Габбарова.** – *Ушбу акцияга келган ҳар бир фуқаро ихтиёрий равишда қон топшириб, эвазига ҳеч қандай рағбатлантириш талаб қилмайдиган хайрли ишларга қўл урди.*

### АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Андижон шаҳридаги қон қуйиш марказида уч кун давом этган «Бор меҳримиз сенга, болажон!» акцияси ўзига хос эзгулик ва саховат тантанасига айланди, дейиш мумкин.

Тадбир қатнашчиларининг сафи бу йил янада кенгайгани эътиборли. 2023 йилда 156 нафар сафдошимиз хайрли ишда қатнашиш истагини билдирган бўлса, бу йил 262 нафар кўнгилли болалар саломатлигига бефарқ эмаслигини кўрсатди.

### БУХОРО ВИЛОЯТИ

Бу галги акцияда вилоят миқёсида жами 70 нафардан ортиқ донор иштирок этиб, 18,5 литр қон йиғилди. Ушбу қонлар 60 нафардан ортиқ қонга муҳтож мурғак қалбларнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ишлатилади.

### НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Акцияда вилоятдаги кўплаб ташкилот, муассасаларда фаолият юритиб келаётган юзлаб саховатпеша кишилар инсонийлик фазилатларини намоён этишди. Уч кун давом этган жараёнда вилоят қон қуйиш марказига болажонлар учун қон топширишни мақсад қилган 250 нафар фуқаро виждон амри билан ташриф буюрди.

Кўнгилли донорлардан 62,586 литр қон йиғилди. Бундан ташқари, ўтказилган тадбирларда туманлардаги эҳтиёжманд оилалар ва боқувчисини йўқотган болаларга мурувват кўрсатилди, уйда ва шифохоналарда ётган беморлар ҳолидан хабар олиниб, ўксик қалбларга қувонч улашилди.

### СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

Жамиятда тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож, онкологик касалликларга чалинган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида вилоят қон қуйиш марказида ташкил этилган акция бу йил ҳам оммавий тус олди. Партиядошларимиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, шунингдек, вилоят суди ходимлари ҳам ўз инсонийлик бурчини адо этиш учун марказга тўпланишди.

– *«Адолатчи»ларнинг хайрли ташаббуси туфайли вилоят бўйича жами 116 киши қон топширди,* **– дейди вилоят қон қуйиш маркази бош шифокори Мирзоҳид Ўроқов.** – *Жами 46 литр 400 грамм қон йиғилгани биз, шифокорларни мамнун этди. Кўнгилли донорларнинг барчасига миннатдорлик билдирамиз.*

Донорлик акциясида фаоллик кўрсатган турли давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда тиббиёт ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ва кўнгилли ёшлар вилоят кенгаши томонидан ташаккурнома билан тақдирланди.

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Бу йил ҳам мурувват ва олийҳимматлилик тантанаси Тошкент вилояти бўйича кенг қанот қоқди. Партия фаоллари, депутатлар, корхона-ташкилотлар ишчи-ходимлари ва ёшларни бир мақсад йўлида бирлаштирган акция манзиллари Чирчиқ шаҳридаги вилоят қон қуйиш маркази ҳамда Олмалиқ шаҳар қон қуйиш бўлими бўлди.

– *Орамизда шаҳар, республика ва жаҳон чемпиони бўлган спортчиларимиз бор,* – **дейди Чирчиқ Олимпия захиралари коллежи директори Равшан Ғофуров.** – *Улар партия томонидан ташкил этилган акцияда бажонидил иштирок этишди. Ният қиламизки, фарзандларимиз ҳамиша соғ-саломат бўлишсин, ҳеч қачон дард кўришмасин. Ака-опаларидек чемпионлар сафида бўлишсин!*

Чирчиқ шаҳрида кўнгилли бўлиб қон топширганлар сони 57 нафарни ташкил қилган бўлса, Олмалиқ шаҳрида 50 нафарни ташкил этди. Бемор болажонларимиз учун 49,2 литр қон захираси йиғилди.

### ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ

Хайр-саховат, меҳр-мурувват йўналишидаги эзгу тадбирларда фаол қатнашиб, истиқболимиз эгаларига қайта ҳаёт улашишда беминнат хизмат қилган воҳадошларимиз бу йил кўпчиликни ташкил этди.

Вилоятдан 458 нафар инсон беғараз донорлик акциясида қатнашиш истагини билдирди. Кун давомида қашқадарёликлар 85 литр 504 грамм миқдорида қон топширишди.

### ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Кўҳна Хоразмда ҳам «Бор меҳримиз сенга, болажон!» беғараз донорлик хайрия акциясини юқори савияда ўтказишга жиддий эътибор қаратилди. Вилоят қон қуйиш маркази кун давомида хайрли ишга эш бўлган юзлаб хоразмликлар билан гавжум бўлди.

Акцияда 150 нафар кўнгилли донорлар иштирок этишди, бемор болажонлар учун 19,74 литр қон йиғилди.

*“Бор меҳримиз сенга, болажон!” беғараз донорлик акцияси республикамизнинг барча ҳудудларида юқори савияда ташкил этилиб, минглаб саховатпеша юртдошларимизни эзгу мақсад йўлида бирлаштирди.*

***Бир сўз билан айтганда, партиямиз томонидан саховат, меҳр ва одамийликни тарғиб қилган, республикамизда кўтаринки кайфиятда ўтказилган «Бор меҳримиз сенга, болажон!» беғараз донорлик хайрия акцияси мурғак қалбларга қувонч бағишлаш билан бир қаторда уларни соғломлаштиришда катта аҳамият касб этади. Айни пайтда партия ташаббуси билан ҳар йили анъанавий равишда ўтказиладиган мазкур акция жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини тарғиб қилишга қаратилгани билан ҳам аҳамиятлидир.***

Муносабат

# КОНТРАКТМИ ёки ГРАНТ:

## Янги таълим тизими татбиқ этилади

Инсон капитали мамлакатнинг муҳим миллий бойлиги саналади. Унинг ҳар томонлама тараққий этишида олий таълим тизимининг ўрни беқиёс. Шу боис юртимизда замонавий фикрлайдиган, интеллектуал ривожланган, профессионал тайёргарликка эга янги авлод кадрларини тайёрлаш янги босқичга олиб чиқилди.

**Махфират ХУШВАҚТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси**

Ушбу ўзгаришларни қуйидаги рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин. 2016/2017 ўқув йилида мамлакатимизда олий таълим муассасалари сони 70 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб улар сони 214 тага етди. ОТМлар сони ортиши билан бирга, улардаги қабул кўрсаткичлари ҳам сезиларли даражада кўпайди. Ҳозирги вақтда олий ўқув юртларига қабул квотаси 2016 йилги 9 фоиздан 42 фоизга етказилди.

Шунингдек, педагог ва талабаларнинг илм олиши, ўқиб изланишлари учун муайян шарт-шароит яратиб берилаётгани боис, олий таълим муассасаларининг илмий салоҳияти ҳам ортиб бормоқда.

Тизимда эришилаётган ижобий натижалар ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Аммо барчамиз учун устувор бўлган вазифа, бу – ўтган вақт давомида орттирилган тажрибалардан тўғри хулоса қилган ҳолда соҳани янада тараққий эттириш, олий таълим олиш истагида бўлган ёшларимиз учун кенгроқ имкониятлар яратиб беришдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 24 майда қабул қилинган **“Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”**ги фармони ёш авлод камолоти йўлида олдимизга қўйилган мақсадларни рўёбга чиқаришда муҳим дастурilамал ҳужжат бўлиб хизмат қилади, десак асло янглишмаймиз.

Бинобарин, ушбу ҳужжатда белгиланганидек, эндиликда 2024/2025 ўқув йили қабулидан бошлаб давлат буюртмаси параметрларини давлат олий таълим муассасалари кесимида тақсимлаш амалиёти бекор қилиниб, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кундузги таълим шаклида тасдиқлаш тартиби жорий этилади. Албатта, бундан олий ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган таълим муассасалари мустасно.

Шунингдек, давлат гранти квоталарининг олий таълим ташкилотлари кесимида тақсимоти тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича рўйхатдан ўтган абитуриентларнинг танлови ва тўплаган балларига кўра амалга оширилади. Бунда бакалавриат ва магистратурага қабул қилинган талабаларга таълим гранти бир ўқув йили учун ажратилади.

Яъни, таълим гранти биринчи курсда олий таълим ташкилотларига ажратилган давлат буюртмаси квотасига мувофиқ кириш имтиҳонларида юқори балл тўплаган талабаларга ажратилса, иккинчи ва ундан кейинги курсларда юқори академик рейтинг кўрсаткичларига эришган ва ижтимоий фаол талабалар орасида олий таълим ташкилотлари томонидан табақалаштирилган тартибда қайта тақсимланади.

Айтиш мумкинки, ушбу адолатли таълим тизимининг татбиқ этилиши минглаб ёшларимизга рағбат бўлиб, уларни ўқишга киргандан кейин ҳам соғлом рақобат руҳида ўз устиларида янада кўпроқ изланишга ундайди. Чунки, амалдаги тизимда арзимас бир кичик хатоликни, деб контрактга тушиб қолган абитуриентлар оилавий ва иқтисодий муаммолари сабаб бир йил вақтини йўқотишга ёки бўлмаса, 4 йил қийналиб контракт тўлаб таълим олишга мажбур бўлиб келишаётган эди. Эндиликда бу имкониятдан илмли ёшлар самарали фойдаланишлари мумкин бўлади.

Фармон билан киритилаётган яна бир муҳим ўзгариш, бу — 2025 йилдан бошлаб, давлат буюртмаси параметрлари Иқтисодиёт ва молия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари томонидан шакллантириладиган олий маълумотли кадрларга бўлган талаб прогнозига мувофиқ равишда 4 йиллик давр учун тасдиқланишидир. Ушбу тизим ҳам келажакда замон талаблари асосида кадрларни тайёрлаш ҳамда битирувчи кадрлар учун муносиб иш ўринлари яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ҳужжатда, шунингдек, давлат гранти ва тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилишнинг минимал ўтиш бали тегишли бакалавриат таълим йўналишининг олдинги ўқув йилидаги ўртача ўтиш балларини ҳисобга олган ҳолда Давлат комиссияси томонидан белгиланиши, магистратура мутахассисликлари ва олий таълимдан кейинги таълим ихтисосликларига қабул қилишда хорижий тилни билиш даражасини белгиловчи миллий ёки халқаро сертификат талабларининг енгиллаштирилиши ҳамда имтиёз билан давлат гранти асосида талабаликка тавсия этилган абитуриентга ушбу имтиёздан такроран фойдаланишга рухсат этилмаслиги каби кўплаб ижобий янгиликлар назарда тутилган.

Шубҳасиз, ушбу фармон ва унда белгиланган вазифалар йигит-қизларимизга ўз қизиққан соҳа ва йўналишларида таълим олиб, билимларини янада мустаҳкамлаш орқали мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган етук кадрлар бўлиб камол топишларида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

# Ўксик қалбларга қувонч улашилди

1

Мулоқот давомида эртанги кунимиз эгалари бўлган болажонларимизни ақлан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, партиянинг бу борадаги хайрли лойиҳалари, мақсадлари хусусида сўз борди. Байрам муносабати билан совғалар улашилгани болажонларга бир олам завқу шавқ бағишлади.

Робахон Махмудова имконияти чекланган болалар ҳолидан ҳам хабар олди. Жумладан, «Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма йиллиги» маҳалласи, Учқўрғон кўчаси, 89-уйда яшовчи имконияти чекланган Ҳожиакбар Нуралиевни кўриб, уни байрам билан табриклади, совғалар берди. Шунингдек, Ҳожиакбарга тиббиёт ходимлари билан бир қаторда партия томонидан ҳам амалий ёрдам кўрсатилишини ўз назоратига олди. Партия етакчисининг саъй-ҳаракати билан Ҳожиакбар Нуралиевга янги ўқув йилидан бошлаб якка тартибда билим олиш учун шарт-шароит яратилди.

Робахон Махмудованинг кўп тармоқли болалар шифохонаси шифокорлари билан учрашувида «Адолат» СДП томонидан мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббиёт соҳаси вакилларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишлар, эришилган ютуқлар хусусида сўз борди.

Партия етакчиси андижонлик «адолат»чилар, хусусан, тиббиёт тизимида ишловчиларнинг партия дастурий мақсадларини амалга ошириш, лойиҳаларини ҳаётга самарали татбиқ этишдаги фаоллигини эътироф этиб, миннатдорлик билдирди.

Мулоқот давомида партиянинг вилоят Кенгаши масъуллари, ҳудуддаги депутатларга шифохоналар билан ижтимоий масалаларда ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан аниқ тавсиялар берилди. Белгиланган вазифалар натижадорлигини таъминлаш мақсадида мазкур шифохонада партиянинг бошланғич ташкилоти тузилди.

**Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати**

Фракция йиғилиши

# ШАҲАР ТРАНСПОРТИДАН кимлар бепул фойдаланиши мумкин?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида депутатлар мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига дахлдор, хусусан, “Ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.

Қонун лойиҳаси билан Солиқ кодекси ҳамда 7 та қонунга ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган, 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақтни иш стажига қўшиб ҳисоблашда даволаш муассасасининг хулосасини чиқариб ташлаш белгиланмоқда. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахс деб топилганларга шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқини бериш таклиф этиляпти.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари белгиланмоқда. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга қилинган ҳомийлик маблағларини солиқ базасини аниқлашда чегириб ташланмайдиган харажатлар жумласига қўшиш назарда тутилмоқда.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, давлат томонидан фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш кўлами ва турларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Қизғин мунозаралар давомида депутатлар қонун лойиҳасида назарда тутилаётган нормалар “Адолат” СДПнинг мақсад ва вазифаларига уйғун ва ҳамоҳанг эканлигини қайд этдилар. Шундан келиб чиқиб, лойиҳани янада такомиллаштириш, пишиқ-пухта ҳолатга келтириш бўйича таклиф беришди.

Муҳокамалар ва савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан маъқулланди.







# “Адолат” ташаббуси:

## ҚЎШТЕПАДА 50 НАФАР БОЛАЖОНГА ХАТНА ТЎЙИ ЎТКАЗИЛДИ





**Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Фарғона вилоят кенгаши ҳамда халқ депутатлари Қўштепа туман Кенгаши депутати, “Марғилон саховати” хайрия ҳаракати раҳбари Аъзамжон Аҳмаджонов ташаббуси билан 50 нафар болажонга хатна тўйи ўтказилди. Қўштепа туманидаги “Райҳон” тўйхонасида саховатли инсонлар ҳомийлиги ва кўмагида ўтган шодиёна тўй болалар ва уларнинг яқинларининг умр дафтарларига зарҳал ҳарфлар билан битилди, десак муболаға бўлмас.**

Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
Фарғона вилоят кенгаши матбуот котиби

Хатна тўйида болаларни қутлаш учун давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, саховатли инсонлар, туман ҳокимлиги, сектор раҳбарлари, “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши жамоаси ва партия фаоллари иштирок этдилар.

Дастлаб болажонларни туман ҳокими Анваржон Абдуллаев қувончли онлари билан қутлаб, мустаҳкам соғлик, ота-оналари уларнинг роҳатини кўришларини, Ватанга муносиб ўғлонлар бўлиб вояга етишларини тилади.

Шундан сўнг Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари, “Адолат” газетаси бош муҳаррири Ислом Ҳамроев сўзга чиқиб, хайрли тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорлигини билдирди. Шунингдек, кўплаб хайрли ишлари билан “Адолат” партиясининг халқ орасидаги нуфузини оширишга хизмат қилаётган халқ депутатлари Қўштепа туман Кенгаши депутати, тадбир ташкилотчиси Аъзамжон Аҳмаджоновга партия Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудованинг миннатдорлигини етказди ҳамда партия ташаккурномасини топширди.

Эл ардоғидаги хонандалар ва созандаларнинг дилрабо куй-қўшиқлари, меҳмонларнинг самимий тилаклари барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

### “ТЎЙ БАҲОНА ЭГНИМ ЯНГИ ЛИБОС КЎРДИ”

*– Ёлғиз аёл ош еса ҳам жонига тошдек ботади, деганлари рост экан,* **– дейди Санобархон.** – *Турмуш ўртоғим вафотидан кейин учта норасида гўдагим билан чирқиллаб қолдим. Шаҳарда яшасанг бошқа, ишлаб, турмушингни яхшиласанг бўлади, аммо қишлоқда яшаш осон эмас. Янги либос кийиш у ёқда турсин, рўзғорнинг камини тўлдириш мушкул. Тўй ҳақида-ку, хаёл ҳам қилмасак бўлади...*

Қишлоқнинг тўйлари ўзгача бўлади. Карнай-сурнай садолари, ошга чорлов ҳасад қилганимдан эмас, болаларим олдидаги чорасизлигимдан юрагимга наштардек ботарди. “Ё тангрим, менга ҳам нажот бер... Болаларим тўй кўрсин...” деб нола қилардим.

Бир куни ўғлим мактабдан йиғлаб келди. Билсам, синфдошининг хатна тўйи бўлган экан.

– Ойи, бугун жуда хафа бўлдим, – деди у. – Агар дадам вафот этмаганларида менга ҳам тўй қилиб берардиларинг-а?! Ўртоғим чиройли костюм кийибди, бобоси тўйига велосипед олиб келибди...

Боламни бағримга босиб, юм-юм йиғладим... Тақдир шу қисматни менга раво кўрса-да, болаларим соғ-омонлиги учун шукрона қилдим. Худога нола қилиб, яхши кунларга бизни ҳам етказишни тилаб, дуолар қилдим.

Бугун боламнинг кўзларидаги қувончнинг чек-чегараси йўқ. Ўзи орзу қилганидек, янги костюм-шим кийди, қоп-қора машиналарда тўйхонага келдик. Уят бўлса ҳам айтаман, саховатли инсонлар тўй қилиб беришлари ҳақидаги хабардан минг қувонсам, эгнимда янги кийимим йўқлигидан хижолатда эдим. Депутатимиз Аъзамжон ва бошқалар менга ўхшаган оналарни ёлғизлатиб қўйишмади. Оналарга ҳам янги либос олиб беришди. Илоҳим, шундай адолатли инсонлар кўпайсин. Менинг болам ҳам кун келиб, шулар каби саховатли, илмли, адолатли инсон бўлсин.

Велосипед совға қилишаётганда роса йиғладим. Боламнинг орзуси, менинг армонларим ушалди…

Бугун мендан бахтлироқ она борми дунёда?!

### “ТЎЙГА ҚАРИНДОШЛАР БИЛАН КЕЛДИК”

*– Байрам келса юрагим зирилларди. Боламни чиройли кийинтира олмаганим бир армон бўлса, унинг тўйини қилиб беролмаганим яна бир армон эди,* **– дейди Муборакхон Юнусова.** – *Ўғлим Ҳайдаралининг бўйи чўзилган сари юрагим эзиларди. Ўғлим тенгдошларининг тўйидан йиғлаб келган кунлари бўлган. Ўзим қўни-қўшниларникига хатна тўйларига кирсам, туни билан худога нола қилардим. Она бўлиб боламни ўкситяпманми, деб тунлари йиғлаб чиқардим.*

Аъзамжон депутатимиз болаларга хатна тўйи қилиб бераркан, дейишганди, хурсанд бўлиб кетдим. Кеча ўғлим қатори 50 нафар болага янги костюм-шим, туфли, чиройли кўйлаклар олиб беришди. Оналарни ҳам ясантиришди.

Тўйхонага дабдаба билан олиб келишганда ҳаммамиз қувондик. Бизни жуда кўп одамлар тантанали кутиб олишди, ҳашаматли тўйхона, тўкин дастурхон... Санъаткорларни айтмайсизми?!

Яхши одамларнинг борлиги яхши-да. Ҳаммага мақтадим, “Адолат”чи депутат бор-ку, ўша ўғлимга тўй қилиб беряпти”, дедим. Яна бир нарсани айтмасам, гуноҳ бўлади. Тўйга ўғлим билан ёлғиз келмадим, қариндош-уруғлар билан келдик. Бувалари, холалари хурсанд. Она бўлиб армоним ушалди. Мен қайси тўй боланинг онасидан камман?! Тўйда маза қилиб рақсга тушдим. Бу кун оиламиз ва ўғлимнинг ҳаётидаги энг унутилмас кун бўлиб қолади.

Мен қатори Рўзихон, Маҳлиёхон каби кўнгли кемтик оналарнинг ҳам армонлари ушалди.

Илоҳим, юртимизда яхши одамлар кўп бўлсин...





### “АДОЛАТ”НИНГ ШУНДАЙ ДЕПУТАТИ БОРЛИГИДАН ФАХРЛАНАМИЗ”

*– Аъзамжон Аҳмаджонов халқ депутатлари Қўштепа туман Кенгашига “Адолат” партиясидан депутат этиб сайланган. У “Марғилон саховати” хайрия ҳаракати раҳбари ҳам. Жуда самимий, тиниб-тинчимайдиган инсон. Қачон қараманг, ватандошларимизни бирлаштириб, эзгу ишларни амалга оширишни яхши кўради,* **– дейди “Адолат” СДП Фарғона вилоят кенгаши раиси Шаҳноза Ғаниева.** – *У бошчилигида саховатли инсонлар ўтган йили 10 нафар эҳтиёжманд оилага ҳовли қуриб, жиҳозлари билан топширишганида тан бергандим. Ҳозирги кунда тўй қилиш ҳазилакам иш эмас. Ҳашаматли ресторан ва дастурхонлар – ҳаммаси аъло даражада. Аъзамжон бошчилигида қўллари кўксида саф тортган йигитларни кўриб ҳавасингиз келади. Бу ҳалоллик ва адолатнинг натижаси. Аъзамжон ягона мақсад йўлида саховатли инсонларни бирлаштира олди, улар ишонч билан хайрли ҳаракатларга ажратган маблағларига хиёнат қилмади, ҳисоб рақамига тушган ҳар бир сўм адолатли сарф этилишига эришилди. Шу боис хайрия ҳаракати кенг қулоч ёзяпти.*

Бугун юртимизнинг эртанги куни эгаси бўлган тўй болаларнинг, уларнинг оналари, оталари, яқинларининг қувончи бир олам. Инсонда истак ҳаракат билан уйғунлашса, улуғвор ишларни амалга ошириш мумкинлигига депутатимиз Аъзамжон Аҳмаджонов мисолида яна бир бор гувоҳ бўлдик. Халқ учун ёнадиган, Ватан келажаги учун қайғурадиган депутатларимиз янада кўпайсин. “Адолат” партияси сафида шундай фидойи инсонлар борлигидан фахрланаман.

### ЮРАКЛАРНИ ТЎЛҚИНЛАНТИРГАН ДИЛ СЎЗЛАРИ

*– Жуда хафа эдим. Ўртоқларимнинг тўйига борганимда уларга ҳавасим келарди. Менинг тўйим қачон бўлади, менга ким велосипед совға қилади, деб ўйлайверардим. Қаранг, куёв бола бўлиб қолибманми,* **– дейди хурсандчилиги ичига сиғмаётган тўй бола Бобуржон.** – *Амакиларим велосипед ҳам совға қилишди. Бугун шунақанги хурсандман.*

*– Ўғлим дардга чалингани учун ёши ўнга кирса ҳам набирамга тўй қилиб беролмаётгандик. Йўққа қалам юрмайди, дейишади-ку. Соғлом бўлганимда Муҳаммаджонга тўй қилиб берардим, қарнай-сурнай чалдирардим, деб ич-этини еярди шўрлик ўғлим,* **– дейди яна бир тўй боланинг бувиси Санобар опа.** – *Келиним дард туфайли оламдан ўтган. Набирамни тузук-қуруқ кийинтиришга ҳам қурбимиз етмасди... “Адолат”чилар Муҳаммаджонни чиройли кийинтиришди, дабдабали тўйхонага олиб келишди. Ҳаммаси зўр. Набирам хурсандлигининг чек-чегараси йўқ. Ҳеч бир боланинг бағри кемтик бўлмасин. Ўксик болаларимизнинг бағрини бутун қилган инсонлар икки дунё кам бўлмасин. Бугун қариндошлар билан тўйга қатнашдик. Ҳамма ёқда “Адолат» деган ёзувларни кўрдик. Адолат борлигини ҳис қилдик. Адолатли инсонлар кўпайсин, деб дуолар қилдик...*



*– Бугун менинг ҳам икки ўғлимнинг тўйи,* **– дейди Маҳлиёхон Раҳимова.** – *Фарзандларимизнинг қувончини кўриб биз, оналар ўзимизни ҳеч қаерга сиғдира олмаяпмиз. Биз каби эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаган, шундай чиройли тўйлар қилиб, болаларимизнинг орзуларини рўёбга чиқарган инсонларга таъзим қиламиз. Шундай тинч ва осуда юртда яшаётганлигимиз, яхши инсонлар эътиборидалигимиз учун шукроналар келтираман...*

### “МЕНИ ҚУВВАТЛАГАН ВАТАНДОШЛАРИМДАН МИННАТДОРМАН”

*– Бугун жуда бахтиёрман. Ҳар сафар хайрли мақсадимни ватандошларимизга айтганимда доимо мени қўллаб-қувватлаётганликлари учун ҳам раҳмат,* **– дейди халқ депутатлари Қўштепа туман Кенгаши депутати, “Марғилон саховати” хайрия ҳаракати раҳбари Аъзамжон Аҳмаджонов.** *– 1 июнь – Болаларни ҳимоя қилиш халқаро куни муносабати билан қўштепалик эҳтиёжманд оилалар фарзандларига тўй қилиб берсак, деган ташаббусни айтганимда бажонидил қабул қилишди. Хайрия ҳаракатимизни қўллаб-қувватлаётганлар сафи кун сайин ортиб бормоқда. Улар орасида оддий фуқаролардан тортиб, таниқли тадбиркорлар, хорижда меҳнат қилаётган ватандошларимиз ҳам бор.*

*“Боламга қандоқ тўй қилиб бераман”, деган ўкинч билан яшаётган оналарнинг, соғлиғидаги муаммо туфайли қўли калталик қилаётган оталарнинг бугунги қувончини ҳеч қандай бойликка алишиб бўлмайди. Саховат ва эзгу ниятни дилига туккан инсонлар кўмаги билан ташкил этилган бугунги тўй тантанаси болаларимиз ҳаётида энг унутилмас лаҳзаларга айланишига ишонаман.*

*Мени қўллаб-қувватлаган барча ҳомийларга, туман ҳокими, сектор раҳбарларига, “Адолат” партиясига минг раҳмат. Ҳали биргаликда халқимиз учун кўплаб хайрли ишларни амалга оширамиз.*

### ХУЛОСА ЎРНИДА

Ҳа, тўй тўйдек бўлди. Тўй шукуҳидан кўнгиллар ҳам тўлди. Эзгу мақсадлар инсонларни бирлаштирганда неча-неча ўксик дилларга даъво бўлишига яна бир бор иқрор бўлдик. Муҳими, пок ниятли инсонлар бирлашса, кўп ишларга қодирлигини ҳам англадик. Яна англаганимиз, депутатлар халқ хизматкорига айланиб, дардига қулоқ сола олса, муаммоларни барҳам топтириш учун интилса, қадри улуғланар экан.

“Адолат” социал-демократик партиясидан халқ депутатлари Қўштепа туман Кенгашига сайланган Аъзамжон Аҳмаджоновнинг фидойилиги ва ибрат олса арзигулик ишлари бисёр. Улар алоҳида бир мавзу. Бу ҳақда, албатта, келгуси мақолаларимизда батафсил сўз юритишни мақсад қилдик.



# ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ҲОЗИРЛИК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Ўқувчилар ёзги таътилга чиқди дегани, асосий иш энди бошланади, деганидир. Чунки ўқишлардан толиқиб, ёзги таътилга чиққан болаларни руҳий, жисмоний ва маънавий жиҳатдан тиклаб, тетик ва соғлом кайфиятда мактаб қучоғига қайтариш давлатимиз олдида турган энг асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

**Исроилжон ЖЎРАЕВ,**
**Наманган вилоят кенгаши раиси,**
**халқ депутатлари Косонсой туман Кенгаши депутати**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг *«Болаларнинг дам олишларини тизимли ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»*ги 2022 йил 18 ноябрдаги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 27 февралдаги қарори билан соғломлаштириш оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш бўйича яратилган концепциянинг умумий қоидаларида мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишдек улуғ мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган ёш авлодга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, мазкур концепцияда ёшларнинг билими ва иқтидори, ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш билан бир қаторда ёш авлоднинг мазмунли дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш соҳасидаги фаолиятни замонавий талабларга мос равишда тубдан қайта кўриб чиқиш лозимлиги таъкидланган.

Айниқса, соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этиладиган болалар салмоғини кўпайтириш ва уларга кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш ушбу йўналишдаги ишларни комплекс равишда такомиллаштириш ва ривожлантиришни, шунингдек, унинг доимий фаолият юритувчи тизимини яратишни тақозо этмоқда.

2023-2024-ўқув йилида Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги тармоғидаги 10 160 та мактабларга 700 000 нафардан зиёд болажонлар биринчи синфга қабул қилинган бўлиб, ўқувчилар сони 6,5 миллион нафарга етди.

Айни пайтда 414 мингдан зиёд 11-синф ўқувчилари мактаб билан хайрлашиб, мустақил ҳаёт сари қадам қўйишмоқда.

Демак, саноқда қолган 6 миллион нафар атрофидаги болаларнинг таътил давридаги ҳаёти ушбу масалага дахлдор бўлиб турибди. Хўш, шунча болажонларимизни тўлақонли равишда оромгоҳларга қамраб олишнинг имкони борми? Чунки тўққиз ой давомида таълим олиб, толиқиб таътилга чиққан ўқувчилар қайноқ ёз фаслида қимматли вақтларини қаерда ўтказадилар, деган ҳақли саволга жавоб топиш олдимиздаги энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Аслида бу савол ҳар йили шу пайтга келганда ота-оналарни, устозларни, жамоатчиликни ўйлантирадиган биринчи галдаги бошқотирма ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган концепцияда кўрсатилишича, болаларни соғломлаштириш оромгоҳлари уларнинг ёши ва салоҳиятини эътиборга олган ҳолда қуйидаги ихтисослашган йўналишларда ташкил этилади:

- *Интеллектуал ривожлантириш оромгоҳлари фан олимпиадалари, таълим соҳасининг турли даражадаги мусобақалари ғолиблари бўлган 10-14 ёшгача болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши учун йўналтирилиб, унда бир ёки бир нечта фанлар ёхуд тиллар чуқурлаштирилган тарзда ўргатилади;*
- *Спорт-соғломлаштириш оромгоҳлари 8-16 ёшгача болаларнинг ўқув-машқ жараёнини давом эттириш, спорт маҳоратини такомиллаштириш, жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш, соғлиғини мустаҳкамлашга йўналтирилган бўлиб, унда болаларнинг ёши ва спорт турининг ўзига хос хусусиятлари асосида ҳар хил гуруҳлар тузилади;*
- *Санаторий-соғломлаштириш оромгоҳларида юрак қон-томир тизимининг касалланиши, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш, таянч-ҳаракат аппаратининг ўзига хос бўлмаган хусусиятлари билан бетоб бўлиб турадиган 7-14 ёшгача болаларнинг дам олиши ва соғломлаштирилиши учун ташкил этилади;*
- *Меҳнат ва дам олиш оромгоҳларида 15-18 ёшгача болаларнинг ижтимоий фойдали меҳнатини дам олиш ва соғломлаштириш билан бирга қўшиб олиб боришга йўналтирилиб, болалар ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрланади ва уларнинг меҳнат кўникмалари шакллантирилади;*
- *Ҳарбий-спорт оромгоҳларида 12-17 ёшгача болаларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида ташкил этилади;*
- *Экологик-биологик ва ўлкашунослик оромгоҳлари. 7-14 ёшгача болалар учун сайёҳлик-ўлкашунослик ва экскурсия ишлари ташкил этилади, уларга мамлакатимизнинг табиий, ижтимоий-иқтисодий ва тарихий жиҳатдан ўзига хос жиҳатлари чуқур ўргатилади;*
- *Ихтисослашган болалар оромгоҳлари 7-14 ёшгача болаларнинг етакчилик ва фаоллигини шакллантириш, уларнинг ижтимоий мослашув кўникмаларини оширишга йўналтирилади, деб белгиланган.*

Булардан ташқари, манфаатдор ташкилотларнинг таклиф ва ташаббуслари асосида бошқа йўналишлардаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти ҳам йўлга қўйилиши мумкинлиги айтиб ўтилган. Шуни ҳисобга олиб, ёзги таътил пайтида болаларни тиббий, психологик кўрикдан ўтказиб, аниқланган касаллик турлари бўйича шифохоналарда, қишлоқ ва шаҳар врачлик пунктларида даволаш манзилларини ташкил этиб, тиббий ва маънавий тарбиячи назорати остида муддатли даволаш-профилактика ишлари амалга оширилиб, болаларга даволаш ва даволанишнинг дастлабки босқичи ҳақида тушунчалар бериб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, болаларнинг қизиқиш ва интилишларини ҳисобга олган ҳолда мактаб шароитида инновацион руҳдаги тўгаракларни ташкил этиб, болаларни қамраб олиш мумкин.

***Демак, ёзги соғломлаштириш даврида вазирликларга қарашли барча идоралар, ташкилот ва муассасалар маҳаллалар билан ҳамкорликда болаларнинг ҳар бир кунини мазмунли ўтказишга бош-қош бўлиб, уларни мамлакатимиздаги тарихий манзилларга, табиат қўйнига, музейларга, йирик саноат иншоотларига саёҳатларга олиб борса, маданий-маърифий тадбирларга жалб этиб, кутубхоналарда, илм-фан даргоҳларида ихтирочилар, ёзувчи-шоирлар, олимлар, тадбиркорлар, машҳур спортчилар билан учрашувлар уюштирса, саноат, қишлоқ хўжалигидаги янгиликлар билан таништириб, улар онгида умуминсоний ва миллий қадриятларни шакллантириб, дунёқарашлари ўзгарган ҳолда жонажон мактаблари қучоғига янгича руҳ ва кайфиятда қайтишига кўмаклашсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди.***

## Депутатлик гуруҳларида

# ИМКОНИЯТ, ИСТАК ВА ТАЖРИБА УЙҒУНЛИГИ

Сурхондарё вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлик гуруҳлари аъзолари сайловчилар ишончини қозониб, зиммаларига юклатилган вазифаларни фаоллик билан амалга оширмоқдалар.

**Гулшод ТУРСОАТОВА,**
**Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби**

Халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашидаги партиямиз депутатлик гуруҳи аъзолари аҳолининг таклиф ва муаммоларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Депутатлардан ташкил топган ишчи гуруҳ партия лойиҳалари доирасида ҳафтанинг ҳар чоршанба куни маҳаллаларда бўлиб, аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар ўтказиб келмоқда. Бу жараёнда фуқаролар томонидан келиб тушаётган мурожаатлар асосида мутасадди ташкилотларга депутатлик сўровлари чиқарилиб, аҳоли муаммоларига ечим топишга эришилмоқда.

**Депутатлик гуруҳи раҳбари Қизларшой Раҳматова** сайловчилар мурожаатларини ўз вақтида ва самарали ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Йил бошидан буён депутатнинг саъй-ҳаракати билан 50 га яқин хотин-қиз ўз тадбиркорлигини йўлга қўйди.

Жорий йил бошида Қ.Раҳматовага “Зартепа” МФЙ фуқароларидан маҳалла йўллари таъмирталаб аҳволга келиб қолгани йўловчиларга қийинчилик туғдираётгани ҳақида мурожаат келиб тушганди. Халқ вакили мазкур масала юзасидан депутатлик сўрови билан Жарқўрғон “Йўл қурилиш” ҳудудий туман бўлимига чиқди. Депутатнинг жонбозлиги, ҳаракатчанлиги сабаб муаммо тез орада ижобий ечим топди. Ҳудуддаги минг метр йўл сифатли таъмирланди.

**Туман кенгаши депутати Азамат Маматалиев** партиянинг “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида “Истиқлол” маҳалласида учрашувлар ўтказди. Мулоқот жараёнида маҳалланинг “Шифокор” кўчасида яшовчи фуқаролар мактабни марказий канализация тизимига улаш борасида кўмак сўрашди. Депутат А.Маматалиев ўз маблағлари ҳисобидан оқава сув қувурларини ётқиздириб, муаммони ижобий ҳал этди.

Шунингдек, учрашувларда маҳалла йўли таъмирталаб бўлиб қолганлиги, асфальт қисми емирилганлиги, йўлнинг остки қисмидан ўтган ичимлик суви қувурлари эскириб, ёрилиб кетганлиги масаласи ҳам кўтарилди. Депутат ушбу муаммони Жарқўрғон туман йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ва ҳокимлик вакиллари билан ўрганиб, масалага ечим топиш мақсадида тегишли ташкилотларга депутатлик сўрови юборди ва назоратига олди.

Бугунги кунда яшил оламни сақлаш ва кўпайтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Сурхондарёда ҳам кўкаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилди. Хусусан, партиянинг Жарқўрғон туман Кенгаши депутатлари томонидан тумандаги “Нурли диёр”, “Намуна”, “Истиқлол” МФЙ тасарруфидаги ҳудудларида 500 туп манзарали ва мевали дарахтлар ҳамда гул кўчатлари экилди.

Депутатлик гуруҳи томонидан Жарқўрғон туманидаги “Деҳқонобод” МФЙ аҳолиси билан юзма-юз мулоқотларда маҳаллада истиқомат қилувчи Ҳ.Сафарова хонадонида иссиқхона ташкил этиб, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун банкдан имтиёзли кредит олишда муаммоларга дуч келаётганлигини айтиб, амалий ёрдам сўради. **Депутатлик гуруҳи аъзоси Очил Жиянов** фуқарога “Микрокредитбанк” туман бўлимидан 33 миллион сўм кредит ажратилишида амалий ёрдам кўрсатди.

Шунингдек, депутатлик гуруҳининг яна бир аъзоси **депутат Шукур Базаров** сайловчилари билан ўтказган юзма-юз мулоқотларида тумандаги “Маданият” МФЙ фуқаролари хонадонлардаги газ баллонлари яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги, уларни алмаштирилишида амалий ёрдам беришни сўраб мурожаат қилишган эди. Депутат мазкур мурожаат юзасидан туман мутасаддиларига депутатлик сўрови юборди. Ушбу сўров “Тумангаз” раҳбарияти томонидан ўрганиб чиқилди ва маҳалладаги газ балонлари янгисига алмаштирилди. Шунингдек, депутатга тумандаги “Маданият” маҳалласи фуқаролари ички йўллар таъмирталаб эканлиги юзасидан мурожаат қилишган эди. Депутат муаммони ҳал қилиш учун туман Йўл қурилиш бўлимига депутатлик сўрови юборди. Бошқарма раҳбарияти томонидан депутатлик сўрови амалий ўрганиб чиқилиб, кўчаларга тош ётқизилди.

Депутатлик гуруҳидан яна бир **депутатимиз Султон Асадов** томонидан тумандаги “Гулҳовуз” МФЙда бўлган ўрганишларда маҳалладаги симёғочлар яроқсиз ҳолга келиб қолганлиги тўғрисида мурожаат бўлганди. Депутатимиз мазкур мурожаатни ўрганиб чиқиб, туман “Электр тармоқлари корхонаси”га депутатлик сўрови юборди. Натижада маҳалладаги электр симёғочлари янгисига алмаштирилди.

Депутатлик гуруҳи томонидан жорий йилнинг шу даврига қадар доимий комиссияларга 5 та масала, сессияларга 2 та масала киритилди, 3 нафар мансабдор шахслар ҳисоботлари эшитилди. Бундан ташқари, бугунги кунда туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи томонидан 5 та масала навбатдаги сессиялар муҳокамасида кўриб чиқиш учун тақдим этилган.

## Муносабат

Кейинги етти йилда соғлиқни сақлаш тизимига ажратилаётган маблағлар ҳажми олти баробар оширилди. Шифохоналар замонавий жиҳозланиб, янгилари барпо этилмоқда. Тиббиётни халққа яқинлаштириш мақсадида жойларда скрининг текширувлари ўтказилмоқда. Шунингдек, соҳани тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Янги таҳрирдаги Конституцияда аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар тўрт баробар кўпайди.

# Аҳолига бепул тиббий хизматлар

## ПАКЕТИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

**Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" СДП фракцияси аъзоси**

Гипертония, юрак ишемик ва сурункали ўпка хасталиклари, бронхиал астма, қандли диабет, гепатит каби энг кўп учрайдиган 7 турдаги касаллик гуруҳи бўйича даволаш стандартлари халқаро талаблар асосида янгиланди. Йил якунигача яна 300 та клиник протоколлар қайта кўриб чиқилади. Беморларга одатий текширувларни белгилаш, дорисиз даволаш каби вазифалар шифокордан ҳамширага ўтказилади. Поликлиникаларда беморлар ҳаракати тартибга солиниб, шифокорларга навбат кутиш вақти камайтирилади.

Аммо таҳлиллар қилинаётган ишлар етарли даражада эмаслигини, бугунги кун талабларидан келиб чиқилса соҳага замонавий бошқарув ва самарали даволаш усулларини жорий қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Шу боис соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини тубдан яхшилаш, тиббиёт муассасалари фаолиятини илғор хорижий тажриба асосида ташкил этиш, кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида жорий йилнинг январь ойида “Соғлиқни сақлаш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Мазкур ҳужжат билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасида “Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази” лойиҳа офиси ташкил этилди. Лойиҳа офисининг асосий вазифалари сифатида давлат тиббий суғуртаси тизимини ва кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари пакетини тўлиқ жорий этиш, тиббий хизматлар сифати ва хавфсизлиги устидан назорат тизимини такомиллаштириш, давлат харидлари самараси ва шаффофлигини ошириш, фармацевтика соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда санитария қоида ва нормаларини замонавий талаблар асосида янгилаш белгиланган.

Ўтган вақт давомида лойиҳа офиси томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг 21 май куни давлатимиз раҳбари бошчилигида бўлиб ўтган йиғилишда ушбу ишлар таҳлил қилиниб, галдаги вазифалар белгилаб берилди. Маълумки, уч йил аввал тажриба тариқасида Сирдарё вилоятида тиббий суғурта механизмлари йўлга қўйилган эди. Ўтган уч йиллик вақт давомидаги таҳлиллар тиббиёт соҳасига суғурта тизимни жорий қилиш билан боғлиқ бир қатор муаммо ва камчиликлар борлигини кўрсатиб берди.

Бунинг асосий сабабларидан бири, тиббиёт муассасаларининг етарлича рақамлаштирилмаганлигидир. Натижада шифокорларнинг кўп вақти беморларни текширишга эмас, ҳисобот тўлдиришга кетиб қолмоқда. Шу боис йиғилишда давлат раҳбари томонидан Тошкент шаҳрида соҳани рақамлаштириш бўйича намунавий тизим яратиш вазифаси қўйилди. Бунинг учун барча муассасалар янги компьютер ва техника воситалари билан жиҳозланади. Йил якунигача “Электрон поликлиника” ва “Электрон шифохона” тизимлари ишга туширилади.

Хусусан, 2024 йилда Тошкент шаҳрида давлат тиббий суғурта механизмлари жорий этилади. Эътиборлиси, ушбу тизим аҳоли томонидан тўланаётган умумий солиқлар ҳисобидан ташкил этилаётганлиги боис фуқаролардан бу хизмат учун тўловлар ундирилмайди.

Тиббий суғурта доирасида;

**– давлат томонидан аҳолига бепул кўрсатиладиган тиббий хизматлар ва дори воситаларининг кафолатланган пакети жорий этилади;**

**– беморларни ўзлари бириктирилган оилавий шифокорлар орқали тор соҳа мутахассисларига ёки шифохоналарга йўллаш тизими ташкил қилинади. Бунда ушбу тартибга риоя қилинган ҳолдагина бепул тиббий хизматлар кўрсатилади;**

**– аҳолига кафолатланган пакет доирасида энг кўп учрайдиган касалликлар бўйича дори воситалари электрон рецепт асосида дорихоналар орқали бепул берилади.**

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тиббиёт соҳасидаги ислоҳотлар сабаб тез тиббий ёрдам тизимида ҳам муайян ижобий ўзгаришларга эришилди. Уларнинг чақирувларга етиб бориш вақти 40-50 минутдан 10-15 минутгача қисқартирилди. Бироқ тизимда мурожаатларни касалликнинг оғирлигига қараб сараламаслик билан боғлиқ ҳолат сақланиб қолаётганлиги боис, эндиликда тез ёрдам “колл-марказ”ларида беморларга шифокор маслаҳати ҳам йўлга қўйилади. Шунингдек, жорий йил Тошкент шаҳрида, келаси йилдан бошқа ҳудудларда парамедик ва педиатрик бригадалар ташкил этилади. Тизим ходимлари тиббий маслаҳат шифокори, чақирувни саралаш оператори, фельдшер-парамедик йўналишида қайта тайёрланади.

Умуман олганда юқорида белгилаб берилган вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилиши бевосита биз, халқ вакилларидан катта масъулият талаб қилади. Эндиликда парламент назорати ва жамоатчилик ўрганишлари орқали тиббий хизмат бошқарувини такомиллаштириш, дори-дармон таъминотини яхшилаш, давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигини ривожлантириш, соҳага замонавий ахборот технологияларини жадал татбиқ этиш бўйича белгилаб олинган аниқ режа ва дастурларни назорат қилиб бориш бош мақсадимизга айланиши лозим.

Бутуннинг гапи



# ТАБИАТНИ ЙИҒЛАТМАНГ!

**Инсон табиат билан, атроф-муҳит билан узвий боғлиқликда яшар экан, икки ўртада дўстона муносабат бўлгани маъқул.**

Ҳулкар ЭСОНБЕКОВА,
ЎзДЖТУ Халқаро журналистика факультети талабаси

Бироқ, бир неча йиллардан бери одамзотни қийнаб, ўйлантириб келаётган, ўз навбатида, кишилик жамиятининг ўзи сабаб бўлаётган экологик муаммолар ҳали-бери ечим топадиганга ўхшамайди. Табиатга муносабат яхши томонга ўзгармас экан, одамлар соғлом ҳаёт, экологик тоза муҳит, тоза мева-сабзавотлар, табиий маҳсулот ресурсларидан умид қилмаса ҳам бўлади.

Ер юзида одам сони ошса ошяптики, аммо камайган эмас. Демографиянинг ортишига мос равишда истеъмол ҳам ошади, уни қаноатлантириш учун ресурсларга эҳтиёж ҳам ортиб бораверади. Бу кўпроқ ва кўпроқ истеъмол манбалари керак дегани, аммо зинҳор она табиатнинг «симириб юборилиши» ҳисобига эмас. Статистик маълумотларга кўра, ўтган 2023 йили дунё аҳолиси сони қарийб 66 миллион нафарга кўпайган. Яъни, дунё аҳолиси сони 8 миллиард 73 миллион кишидан ошди. Демак, келажакда табиат билан муносабатларимиз янада чуқурроқ, янада кескинроқ кечади.

### ТАБИАТ НЕГА МАҲВ БЎЛЯПТИ?

Келинг, бу саволга жавоб топишдан олдин дунёдаги экологик жиҳатдан ўта ифлос шаҳарларга тўхталайлик. Хўш, қандай сабаблар бу шаҳарлар экологиясини хароб қилаётган экан?

Экологик нуқтаи назардан қараганда, 2019 йилда дунёнинг энг ифлосланган шаҳарлари орасида Украинанинг Чернобил шаҳри етакчи ўринни банд этган. Бироқ у «аҳолисиз» шаҳарлар рўйхатида. Ганадаги Аккра шаҳрида эса электрон ускуналарнинг дунёдаги энг улкан чиқиндихонаси жойлашган. Ҳар куни у ерга АҚШ ва Европадан ўз хизматини ўтаб бўлган тонналаб электрон техникалар олиб келинади. Маҳаллий аҳоли электрон чиқиндиларни ёқиб, ичидаги рангли металларни ажратиб олади. Пластик буюмларнинг узлуксиз ёниши турли заҳарли унсурларнинг атроф-муҳитга тарқалишига сабаб бўлади. Электрон буюмлар «қабристони» атрофидаги ҳаво таркибида меъёрдан бир неча юз баробардан ортиқ симоб, қўрғошин, кадмий каби кимёвий унсурлар мавжуд.

Ҳиндистоннинг Ранипет шаҳрида терини қайта ишлаш заводи бор бўлиб, мазкур завод терини қайта ишлаш ва бўяш учун қатор зарарли моддалардан фойдаланади. Оқибатда завод чиқиндихонасидаги зарарли чиқиндилар қисман ерости сувларигача етиб борган. Натижада ичимлик сувининг сифати йўқолган, қишлоқ хўжалиги соҳаси жабр кўрган.

Россиянинг Норилск шаҳрида 10 дан ортиқ металл турлари қазиб олинади ва қайта ишланади. Атмосферага ажралиб чиққан металл зарралари нафас олиш йўлларига кириб, кўнгил айниши, ошқозон касалликлари, тана аъзоларининг сурункали хасталиклари каби салбий оқибатларга олиб келади.

Бангладешнинг Дакка шаҳри Буриганги дарёси қирғоғида жойлашган бандаргоҳда ҳар куни минглаб тонна чиқинди йиғилади. Дарёнинг суви шу қадар ифлосланганки, ундан тараладиган қўланса ҳид бир неча юз метр наридан ҳам сезилади. Шаҳарнинг турли ҳудудларида тонналаб маиший чиқиндилар ва ўлик жониворлар ётиши натижасида нохуш ҳид ва юқумли касалликлар тарқалади.

Хитойнинг Тянин шаҳри мамлакат бўйлаб қайта ишланадиган қўрғошин ҳажмининг тенг ярмини етказиб беради. Шаҳарни қуршаб олган кўк рангли тутун асосий муаммо эмас. Асосий муаммо ер сатҳи таркибидаги қўрғошин зарраларидир. Зарралар ердан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ичимлик суви таркибига ҳам ўтади. Ушбу ҳудуд далаларида етиштирилган дон маҳсулотлари ички ва ташқи савдо учун тақиқланган. Уларнинг таркибидаги қўрғошин моддаси белгиланган меъёрдан 26 баробар кўп.

Демак, юқоридагилардан англашилиб турибдики, табиатга нисбатан ноокилона муносабат оқибатида нафақат атроф-муҳит зиён кўради, балки инсонларнинг соғлиғига ҳам путур етади.

### САВОЛГА ЖАВОБ БОРМИ?

Умумжаҳон аҳамиятига молик муаммолар иқлим ўзгаришининг тезлашиши, пластик чиқиндиларнинг кўпайиши, биологик хилма-хилликнинг йўқолиши, ҳаво ва сув сифатининг ёмонлашуви каби жараёнларда намоён бўлиб турибди.

Иқлим ўзгариши Ер сайёрасининг мувозанатига таъсир қилувчи омил бўлса, иссиқхона газларининг тарқалиши иқлим ўзгаришининг асосий сабабидир. Углерод чиқиндиларни камайтириш, ўрмонларни, яшил табиатни сақлаб қолиш, қайта тикланадиган энергия манбалари, масалан, шамол ва қуёш энергиясига сармоя киритиш орқали иқлим ўзгаришини мувозанатлаштириш мумкин.

Ҳавонинг ифлосланишига келадиган бўлсак, унинг омиллари – зарарли газлар, чанг ва тутун қопламларидир. Бунда ёқилғи қазиб олиш жараёни, автоуловлардан чиқадиган газлар, саноат ва эритиш заводлари таъсир қилувчи жиҳатлар ҳисобланади. Айни жараёнлардаги оқибатлар нафақат экологиянинг бузилиши, балки инсон саломатлиги ёмонлашуви, унумдорликнинг кескин пасайиши, ўсимликларнинг эрта нобуд бўлиши билан ниҳояланади. Қаттиқ чиқиндилар масаласи ҳам бор. Бу борада суюқ бўлмаган материалларни йиғиб, утилизация қилиш ва қайта ишлаш яхши тадбир бўлади. Радиоактив чиқиндилардан халос бўлиш мушкул, чунки атом электр станциялари ва турли саноат жараёнлари тупроқ ва ерости сувларининг ифлосланишига жиддий зарар етказаётган омил бўлиб қолмоқда.

Сир эмаски, экологик инқироз мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Айни пайтда юртимиз иқлими кескин қуруқлашиб бормоқда.

Таҳлилларга қараганда, кузда ёмғир, қишда эса қор ёғиши сезиларли даражада камайиб, ёз ойларида аномал иссиқ ҳарорат ошиши мутассил ўсиб бормоқда. Шунингдек, йил давомида юртимизга кириб келадиган совуқ ҳаво оқими 2 баробаргача қисқарган. Буларнинг барчаси глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ. Бу ҳаво ва тупроқда сув танқислигини кучайтириб, минтақамизга ҳам жиддий таъсир қилаётганини англатади.

Ҳозирги кунда республикамиздаги саноат корхоналари ва автомобиллар атмосферага 2 миллион тоннадан ортиқ ифлослантирувчи моддаларни чиқармоқда. Тошкент, Олмалиқ, Нурафшон, Оҳангарон, Ангрен, Бекобод ва Қувасойда ҳаводаги ифлослантирувчи моддалар миқдори бошқа ҳудудларга нисбатан сезиларли даражада юқори.

**Таҳлилларга қараганда, кузда ёмғир, қишда эса қор ёғиши сезиларли даражада камайиб, ёз ойларида аномал иссиқ ҳарорат ошиши мутассил ўсиб бормоқда. Шунингдек, йил давомида юртимизга кириб келадиган совуқ ҳаво оқими 2 баробаргача қисқарган. Буларнинг барчаси глобал иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ. Бу ҳаво ва тупроқда сув танқислигини кучайтириб, минтақамизга ҳам жиддий таъсир қилаётганини англатади.**

Сув танқислиги Марказий Осиёда яқин 10 йилликдаги энг долзарб муаммолардан бирига айланади. Ўзбекистонда нафақат суғориш, балки ичимлик суви етишмовчилиги ҳам кучаймоқда.

Сув манбаларидан нотўғри фойдаланишнинг энг аянчли кўринишларидан бири – Орол денгизи қуришидир. Бунинг натижасида 5 миллион гектар майдонда янги чўл – Оролқум пайдо бўлди. Денгизнинг қуриган қатламидан чиқаётган чанг ва тузли бўронлар суғориладиган ерларга ҳам, аҳоли соғлиғига ҳам таъсир қилмоқда.

Бу ҳудудда ичимлик сув танқислиги, хавфли касалликлар тарқалиши, яшаш шароитлари оғирлашиши натижасида аҳоли миграцияси кўпайди, ёввойи ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси зиён кўрмоқда.

Ана шунинг учун ҳам мамлакатимизда экологик аҳволни яхшилаш, табиатни асраш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, умуман, юртимиз фауна ва флора оламини асраб-авайлаш борасида ҳукуматимизнинг қарорлари, фармон ва фармойишлари эълон қилиниб, уларни амалга ошириш борасида жиддий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

**Хулоса ўрнида айтиш жоизки, атроф-муҳит муаммолари глобал аҳамиятга эга экан, демак, барча давлатларда ҳукуматлараро, халқаро шартномаларни қўллаб-қувватлаш, мамлакат ичида ҳам бу борада зудликда қатъий тартиб-қоидаларни жорий этиш лозим. Акс ҳолда кеч бўлади.**

Иллат

# УМР КУШАНДАСИ



**Бугун ёшу қари чекиш зарарли одат эканлиги, саломатликка салбий таъсир кўрсатишини билади. Чекишни қораламайдиган жамият бўлмаса керак. Лекин шундай бўлса-да, бу иллат ҳеч камаймаяпти. Шу боис чекиш ниҳоятда жиддий муаммога айланиб улгурди. Бугунги кунда дунё бўйича 1,2 миллиард нафарга яқин кашанда бор ва уларнинг сони ёшлар ва аёллар ҳисобига ҳам муттасил ортиб бормоқда.**

Муҳаммад ҲОДИЕВ

Олимларнинг таъкидлашича, кашандалик ҳавога сингиб кетган заҳарли тутунни ҳидлаш орқали бошланар экан. Демак, кўча-кўйда сигара бурқситиб кетаётганлар атрофдагиларга ҳам зарар етказяпти. Катта ёшдагиларнинг айби билан болалар ҳам пассив чекувчи бўлиб қолаётганини рақамлар ҳам исботлайди. Бугунги кунда болалар ва ёшлар ўртасида 10 тадан 9 нафари 18 ёшга тўлмай туриб чекишни бошлайди. Бу эса уларда 17 хил саратон касалликлари ривожланишига сабабчи бўлади.

Ўлим ҳолатлари бўйича ЖССТ статистика маълумотларига қаралса, тамаки чекувчиларнинг тенг ярми айнан шу иллат туфайли ҳаётдан эрта кўз юмар экан. Статистик маълумотларга кўра, дунёда тамаки истеъмоли билан боғлиқ касалликлардан ҳар йили 8 миллиондан ортиқ одам вафот этади. Ушбу ўлим ҳолатларининг 7 миллиондан ортиғи тўғридан-тўғри кашандалик натижасида, 1,2 миллионга яқини эса чекмайдиганлар, яъни пассив чекувчилар орасида тамаки тутунининг таъсиридан келиб чиқади. Тадқиқотлар тамаки истеъмол қилувчилар уни ҳеч қачон истеъмол қилмаганларга нисбатан 10-15 йилга камроқ яшашини кўрсатган.

Тошкент шаҳри кўчаларида аҳолига «Сиз чекасизми?» деган савол билан юзландик. Сўровнома давомида ҳузурланиб, эркин ҳолда жамоат жойларини заҳарлаётганларни ҳам учратдик. Маълумки, жамоат жойларида тарқалган сигарет тутунларидан пассив чекишга бўлган эҳтиёж кучаяди. Пассив чекувчилик ҳам инсонни турли хилдаги касалликларга, ногиронликка йўлиқиш ва ўлим ҳолатига олиб келади. Никотин аралашган ҳаводан нафас олган кўпчилик орасида пассив чекувчилар, минг афсуски, болалар ҳам бор.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра, жамоат жойларида чекиш мумкин эмас. Бу тўғрисидаги қонун дастлаб 2011 йилда қабул қилинган, йиллар давомида жарима оширилаётган бўлса ҳам аҳоли гавжум жойларда бемалол чекиб юрганлар сон-саноқсиз. Тан олишимиз керакки, ҳали юқоридаги қонун ҳаётимизда ўз ўрнини мустаҳкамлаб олмади. Жамоат жойларида чекиб ўтирган одамни биров кўриб, тегишли ташкилотга хабар қилмоқчи бўлса, бизда бу «қулоқлик» дейилади. Жамиятимиз заҳарланишини эса ўйламаймиз, ҳамманинг хаёлида бир гап: «Одамлар нима дейди?». Одамларнинг фикри билан ишимиз бўлади-ю, лекин саломатлик, атроф-муҳитимиз учун жавобгар эмасдек яшаймиз.

Дунёнинг исиб кетиши, ҳавонинг ифлосланиши, улкан дарёлар қуришига жуда кўплаб сабаблар кўрсатилади. Лекин чекишнинг ҳам бунда ҳиссаси борлиги, негадир инобатга олинмайди. Масалан, ташлаб кетилган сигарет қолдиғи 10-15 йилга қадар чириб кетмайди ва ўша жойни заҳарлаб ётаверади. Сигарет ишлаб чиқариш ҳам табиат, атроф-муҳит учун улкан йўқотишларга олиб келади. Рақамларга мурожаат қилсак, бир йилда сигарет ишлаб чиқариш учун 600 миллион дона дарахт кесилиб, 22 миллиард литр сув ишлатилар экан.

Аҳолининг табиатга жиддий зарар етказаётган ушбу кушандадан воз кечиш ўрнига ёшлар ҳам чекувчилар қаторига илдам кириб келаётгани ўта қайғули. Чекишга қарши курашиш ўрнига унга енгилаётган аҳоли «ғамларни унутиш учун» чекамиз деган важни топиб олган. Курсдошим бир суҳбатда «Илк бора ўта сиқилганда чеккандим. Мана, ўшандан буён у менинг доимий ҳамроҳим. Тўғри, ташламоқчиман ва ташласам ҳам керак яқинда», деб қолди. Кўпчиликнинг миясида шу фикр. Ғамларни унутиш учун чекилаётган сигаретлар сизнинг келажагингиз, орзу-мақсадларингизни йўқ қилиб юбориши мумкин. Бугун бир дона сигарет чекасиз, эртага иккита, кейинги кун эса... Қарабсизки, туппа-тузук кашандасиз.

Унутманг, сиз юпанч деб биладиган сигаретларнинг ичидаги бир грамм никотин отни ўлдиради. Бунинг яна бир тушунарли шаклини келтириб ўтиш ўринли – 5 дона сигарет таркибидаги никотин одамни ўлдиришга қодир. Яхшики организм бу зарарли моддани тўлалигича ўзлаштирмайди...

## Умрингизни эҳтиёт қилинг

*Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бутун дунёда юқумли бўлмаган касалликлар глобал муаммо бўлиб, инсон саломатлигига жиддий таҳдид солмоқда. Шу сабабли юқумли бўлмаган касалликларни эрта аниқлаш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларнинг жисмоний фаоллигини ошириш соҳасидаги фаолият кўламини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.*

*Маълумки, зарарли одатлар юқумли бўлмаган касалликлар келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири бўлиб, шахснинг ўзини инсон сифатида тан олишига ёки соғлиғига бевосита эътиборли бўлишига тўсқинлик қилади.*

*Мутахассислар кундалик ҳаётдаги айрим одатлар ўзимиз билмаган ҳолда умримизнинг қисқаришига сабаб бўлишини таъкидлашмоқда.*

*Жумладан, Канада олимлари инсон саломатлиги учун зарарли ва кенг тарқалган одатларни маълум қилишди. Яъни, ўтирган ҳолдаги турмуш тарзи ичак, кўкрак, ўпка ва простата бези саратонига олиб келиши мумкинлиги исботланди. Шунинг учун офисда ишловчи кишилар танаффус пайтида жисмоний машқлар билан шуғулланишлари лозим.*

*Қайд этилишича, кўпчилик ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар инсон саломатлигига қанчалик кучли таъсир кўрсатишини хаёлларига келтиришмайди. Америкалик мутахассислар гўшт ва сут маҳсулотларини ҳаддан зиёд истеъмол қилиш саратон касаллигини келтириб чиқаришини аниқлашган. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, рационида оқсил моддаси кўп бўлганлар бошқаларга қараганда тўрт марта кўпроқ саратон касаллигидан азият чекишади.*

*Зарарли одатларни бартараф этишда меъёрдаги парҳез, жисмоний машқ ва турли спорт ўйинлари, тўғри меҳнат фаолияти ва дам олиш тартиби муҳим аҳамиятга эга. Конфуций таъкидлаганидек, "Бугун зарарли одатларни енгиб ўтиш, даволанишга қараганда осонроқдир".*

Ибрат



***Табиатни қандай қилиб асраш, урушлардан, техникавий тараққиёт келтириб чиқарадиган кулфатлардан ҳимояланиш тўғрисида бош қотиришдан аввал маънавий маънода инсон қандай қилиб инсон бўлиб қолажагини, нафақат ақл-идрокли мавжудот шаклида эмас, балки ҳис қиладиган, виждонли инсон қандоқ бўлиши кераклигини билмоқ керак.***

**Чингиз АЙТМАТОВ**

**... шу кунларда «патак» ҳам ҳолва бўлиб қолди. Телевизор ёки радиони қўйсангиз, шарм-ҳаё пардасини сидириб ташлаган сухандонлар дийдиёсини бошлайди: «Клиникамизда эркакларнинг жинсий касалликликлари, жинсий заифлик...» Буёғини айтиш учун одамнинг бети камида без бўлиши кераг-ов! Ҳой, биродарлар, биз қаерда яшаяпмиз. Ўзбекнинг хонадонида ота-она, қайнота-қайнона, ўғил-келинлар, набиралар жамулжам бўлиб овқатланади, суҳбатлашади, маданий дам олади. Оила аъзолари бирга телевизор кўриш, радио эшитишдан ҳам безиллаб қолди!"**




# БЕҲАЁ РЕКЛАМАЛАР ЁХУД ЭКРАННИНГ ЭГАСИ ЙЎҚМИ?!

## Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Азалдан ахлоқ ва тарбия инсониятга меҳвар вазифасини бажарган. Шу икки тушунчанинг реал ҳаётга кўчишида санъат ва адабиёт қаторида ОАВ, хусусан, телевидениенинг ҳам ўрни катта. Негаки доғули замоннинг шиддаткор эпкини биздан ҳамиша ўз фикрига эга, кенг дунёқарашли халқ бўлишимизни талаб этар экан, бу йўлда телевидение ҳам ҳуррият, таълим ва тарбия, маданият ва маърифатни ялов қилиб кўтариши, халқни бирлаштириши керак. Бироқ бу борада бугунги кун ўзбек телевидениесидаги айрим каналларнинг фаолияти, эфир маданияти, шунингдек, реклама сиёсати борасидаги камчиликлари қўлга кирган зирапча мисол оғриқ беради кишига.

Қуйида халққа маърифат улашиш ва ўзликни танитишдан кўра чўнтак қаппайтиришни афзал билган баъзи телеканаллардаги рекламалар аҳволи ва уларнинг инсон онгига қай даражада салбий таъсир қилаётгани ҳақида фикр юритмоқчимиз.

**Илҳомжон АБДУҚАЮМ ўғли, журналист**

### БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИНГ РЕКЛАМА СИЁСАТИ

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида реклама хизматларининг аҳамияти кучайиб бормоқда. Реклама тадбиркорликнинг алоҳида бир тармоғига айланди. Лекин маркетингнинг бу турини оммага етказишда қонунийлик, аниқлик, ишончлиликни таъминлаш ва уни намойиш этишда фойдаланувчига маънавий зарар етказмайдиган шакллар ва воситалардан фойдаланиш лозим.

Айни дамда тадбиркорлар ўзларининг маҳсулот ва хизмат турларини реклама қилиш мақсадида энг кўп бош уриб борадиган ташкилот, шубҳасиз, телевидение. Телетомошабин эса вақт ва хоҳиш масаласида рекламаларга тақиқ қўя олмайди. Севимли кино ёки сериал, оилавий теледастур ва кўрсатувлар вақтида реклама кўришга мажбур. Ҳа, ҳа, айнан мажбур! Бу эса тадбиркор ва телеканал учун бошқа реклама манбаларига қараганда анча манфаатлироқ. Яъни, бугун қизиқчи Ҳожибой Тожибоев таъбири билан айтганда, "маза қилиб реклама кўраётган пайтда" орага кино ва сериаллар қўйилмоқда.

Келинг, аввалига телерекламаларда акс этаётган ғоя, савия ва мазмун-моҳиятга бироз тўхталайлик.

### "ЁШЛИК ЭЛИКСИРИ"-ДАН ХАРИД ҚИЛГАНМИСИЗ?

Ўзбек оилаларининг деярли 90 фоиз қисмида камида икки ёки уч авлод вакиллари яшайди. Бу шарқона урф-одат, азалий қадриятимиз. Демак, бу оилада телеэкран қаршисида ёши улуғ ва ўрта ёшдаги ёки ёшларнинг жой олишини билдиради. Энди тасаввур қилинг. Хусусий телеканаллар тугул, баъзи давлат каналларида "Тестестеронингизни оширинг!", "Сунъий равишда уруғлантириш", "Кексаликда кампирингизни ҳайрон қолдиринг!" каби ҳаёсиз рекламаларда менталитетимиз, уят-андиша каби жиҳатлар қанчалик ҳисобга олинган?

Бир неча йил аввал бошдан оёққача бўлган барча касалликларни тузата оладиган, шифокор ва ҳамшираларга иш қолдирмайдиган биологик фаол қўшимчалар рекламаси ҳаддан зиёд кўп намойиш этилдики, унинг сўзлари, ролик қаҳрамонларининг "эртакнамо" гаплари хотирамизга муҳрланди. Улардаги бепул етказиб бериш ва шу бугунги кунгача давом этаётган 50 фоизлик чегирма акцияси мана 5-6 йил бўлдики, ҳали тугагани йўқ. Ёлғон ва ҳақиқат ўртасидаги икки энлик масофа худдики 80 минг километр бўлиб кетгандек. Натижа эса, албатта, қурбонларсиз бўлгани йўқ.

*– Белимда чуррам бор эди,* **– дейди 75 ёшли Файзулла Омонов.** – *Телевизорда мақталган доридан бир курсини 2 миллион 340 минг сўмга сотиб олдик. Биринчи ҳафтада натижаси бироз билинди, ўшанда дори эгалари хабар топиб, видеога олиб кетишди. Даволаш курсининг ярмига бориб, ётган жойимдан туролмай қолдим. Белимни оғриғи бошқа масала. Қон босимим ошиб, оёқ-қўлим қалтираб кетаверди. Кейин поликлиникада 1,5 ҳафта даволандим. Ана, музлаткичда ўша савил қолгур доридан 3 пачкаси турибди.*

Бу каби мисоллар талайгина. Турли хил биологик фаол қўшимчалар, ҳар қандай касални гўёки бир зумда даф қилиб, кишига ёшлик ва бахтли ҳаётни ваъда қилаётган дори рекламаларини кўра туриб, ёпирай, деб юборганингизни билмай қоласиз. Худдики, эртаклардаги "Бахт ёки ёшлик эликсирлари" ҳар куни телевизорда намойиш этилиб, олганни дармонда, олмаганни армонда қолдираётгандек.

*– Телевизорда нимадир кўраман десам, дори рекламаларининг кўплигидан юртимизда соғлом инсон бормикан ўзи, деб ўйлаб қоламан,* **– дейди ЎзЖОКУ талабаси Ҳамидулла Имомхонов.** – *Бир неча йил олдин рекламаси ҳар бир каналда айланган "Док 1 Макс" препарати қанчадан-қанча болаларнинг ёстиғини қуритганига кўп вақт бўлмади. Маҳсулот, қўйингки, дорини реклама қилишдан олдин унинг сифати, ишлаб чиқарилиши ҳақида кимдир қизиқиб кўрганмикан? Шифобахш ёки табиий дори деб сотилаётган дориларни-чи? Уларни олган одамлар ижтимоий тармоқларда телевидениедагидан бошқача гапирмоқда...*

### ОММАВИЙ МАДАНИЯТ "ҚАФАСИ"

Юртимизда амалга оширилаётган изчил ва ҳаётбахш ислоҳотларда ёшлар таълим-тарбиясига, уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва маънавиятини оширишга жиддий аҳамият қаратилмоқда. Бунинг сабабларидан яна бири ёшларни турли ёт ғоя, мафкуралар таъсири, ахборот хуружидан асраш, Ватани, халқи учун хизмат қиладиган билимли, салоҳиятли авлод сифатида камолга етказишдир.

Чунки дунё медиа майдони ва ахборот бозорида оммавий маданиятни ёшлар онгига сингдириш учун нима қилиш керак бўлса, шу қилиняпти. Афсуски, бу реклама хизматларини ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Чет элда ишлаб чиқарилаётган айрим маҳсулот ва хизмат турларининг юртимизда намойиш этилаётган рекламаларида тутуриқсиз, уят, беҳаё сўзлар, фикрлар берилмоқда.

*– Машҳур сақич брендининг рекламаси навбатдаги "туҳфа" бўлди,* **– дейди ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан бири.** – *Бундай реклама инсон асаб фаолиятига салбий таъсир қилганидан қўрқинчли вампир фильмларнинг анонсими, деб ўйлаб қоласиз. Биз буни кўриб, сапчиб тушган бўлсак, ёш болаларнинг ўтакаси ёрилди. Бу қадар жирканч роликни эфирга бериш учун экран вакиллари қанчалар фаросатсиз бўлиши керак?!*

Мисол учун, аёллар гигиеник маҳсулотлари, эркаклар шампун ва дезодарантларининг рекламаларида ҳаёсиз, жирканч тасвирлар яққол кўрсатилмоқда.

*– Кечирасиз-у, бу ҳақда гапиришга ҳам уяламан,* **– дейди Бунёдбек Келдибоев.** – *Яқинда кечки овқат пайти телевизорни ёқсам, реклама бўлаётган экан. Унда бир эркак бошқа бир эркакнинг машҳур дезодарантдан фойдалангани сабабли терламаганини ҳидлаб, билиб бериши акс этмоқда. Ниҳоятда жирканч кадр бўлгани учун иштаҳам бўғилди. Наҳотки телеканалларнинг бадиий кенгашлари бу нарсага панжа ортидан қараша? Ахир телеэкран қаршисида миллионлаб телетомошабин ўтиради. Бу ёшлар маънавиятига салбий таъсир қилмайдими?*

### ИСТИҲОЛА ТУШУНЧАСИ РЕКЛАМАГА ЗИДМИ?

"Oyina.uz" ахборот порталига журналист Тоғаймурод Ортиқовнинг мавзу доирасида билдирилган фикри эътиборимни тортди:

**"Телевизорда аёлларнинг ўзлари ҳам гапиришга истиҳола этадиган шахсий гигиена воситаси тинмай реклама қилиняпти. Дастурхон атрофида ўтирган беш ёшли болакай "Ая, бу нима?"** деб сўрайди. Онаси нима деб жавоб беришни билмай, ўзини эшитмаганга солиб, гапни айлантиради. Аммо кўзлари қизиқишга тўлган болакай яна сўрайди. Охири аёл ночор қолиб, **"Ҳа, уми, калишга солинадиган патак",** дейишдан бошқа жавоб топа олмайди. Бу уйдирма эмас, ҳаётий воқеа!

Дарҳақиқат, шу кунларда бундай "патак" ҳам ҳолва бўлиб қолди. Телевизор ёки радиони қўйсангиз, шарм-ҳаё пардасини сидириб ташлаган сухандонлар дийдиёсини бошлайди: ***"Клиникамизда эркакларнинг жинсий касалликликлари, жинсий заифлик..."*** Буёғини айтиш учун одамнинг бети камида без бўлиши кераг-ов! Ҳой, биродарлар, биз қаерда яшаяпмиз. Ўзбекнинг хонадонида ота-она, қайнота-қайнона, ўғил-келинлар, набиралар жамулжам бўлиб овқатланади, суҳбатлашади, маданий дам олади. Оила аъзолари бирга телевизор кўриш, радио эшитишдан ҳам безиллаб қолди!"

### ЯНГИ ҚОНУН КУЧГА КИРГАН(МИ?)

2022 йилнинг 9 сентябридан кучга кирган «Реклама тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонунга кўра, телеканаллардаги рекламалар 1 соатда 20 фоиздан, 1 суткада 15 фоиздан ошмаслиги керак. Давомийлиги 10 дақиқадан ошмайдиган кўрсатувларда эса реклама қўйилмайди. Бундан ташқари, турли хил дори рекламаларида актёрлар, ташқи кўриниши шифокорларга ўхшаш инсонлар роль ўйнаши мумкин эмаслиги белгиланган эди. Шунингдек, мамлакатимизда реклама қилиниши қонун билан тақиқланган ёки чекланган маҳсулотлар мавжуд. Тамаки, электрон сигареталар, энергетик ичимликлар, алкоголь, пиво, қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар рекламаси шулар жумласидан. Аммо қатъий белгиланган қонун талабларига қарамай, мазкур чекловларни бузиш ҳолатлари ҳам учрамоқда. Энергетик рекламаларни-ку, гапирмай қўя қолайлик. Ўз қорнини ўйлаб, инсонлар саломатлигига, қолаверса, қонун талабларига беписанд қараётган бундай кимсаларга ўз вақтида тегишли чора кўрилиши шарт.

Қолаверса, жамоатчилик фаолларидан ҳам муаммони бартараф этиш бўйича таклифлар билдиришмоқда.

*– Бозор иқтисодиёти шароитида рекламанинг ўрни жуда юқори,* **– дейди филология фанлари доктори, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети декани Амрулло Каримов.** – *Телевидение реклама беришнинг энг таъсирчан тури ҳисобланади. Реклама телеканалларнинг иқтисодий барқарорлиги учун ҳисса қўшади. Аммо телеканаллардаги айрим рекламалар ўсиб келаётган ёшлар дунёқараши ва маънавиятига таъсир қилмай иложи йўқ. Аввало, реклама қонунчилиги ишлаши, қайси рекламани қайси пайтда бериш жоизлиги белгиланиши керак. Ҳозир кечки эфирларда пиво рекламаси, аёллар учун махсус рекламалар ҳам берилмоқда. Ваҳоланки, ҳозирги пайтда болалар вақти "Оқшом эртаклари" айтилгач – 21.00 да ҳам тугамаяпти. Баъзи болажонлар, 22.00-23.00 гача ҳам ухламай экран қаршисида ўтиришади. Менимча, шароитдан келиб чиқиб, рекламалар бериш вақтини қайтадан кўриб чиқиш керак. Бошқа томондан эса, халқаро рекламаларни маҳаллий медиа бозорга кириб келишида миллий ўзига хосликни инобатга олиш керак. Ундан ташқари, рекламалар контентига бағишланган илмий-тадқиқот ишларини кўпайтириш зарур,деб ўйлайман. Рекламаларнинг аҳолига таъсири масалаларига доир социологик сўровномалар ўтказилиши, натижалар ОАВда бериб борилиши керак.*

Амрулло Каримов сўзларига кўра, кўп ҳолларда рекламалардан тушадиган фойда маҳсулот ва хизмат нархидан тушадиган даромад ҳисобланади. Аммо маънавият ва дунёқарашга таъсири ўрганилмайди. Ваҳоланки, рекламадан тушадиган моддий фойдадан, маънавиятга етадиган зарар минг карра кучлироқ тус олиши мумкин.

**Хулоса шуки, телевидение орқали намойиш этилаётган бугунги рекламаларнинг баъзилари қонунни очиқдан-очиқ инкор этса, яна баъзилари миллий ўзлигимиз ва менталитетимизга зид тарзда аксланмоқда. Телеканаллардаги бадиий кенгашлар эса бу маҳсулотларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка ажратиши лозим. Зеро, халқ маънавияти, маърифат ўзанини бошқа ёққа буриб, ёшлар онгини оммавий тарзда заҳарлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.**

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Муассис: "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Робахон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Бўлимлар:
Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Камол Матёқубов
Масъул котиб – Абдуғани Содиқов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Шарқ тонги" кўчаси, 23-уй.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 600

Адади – 3008
Босишга топшириш вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.